

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.T.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖАББАРОВА САРВИНОЗ КОМИЛЖОНОВНА**

**ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА**  
**ТАБИИЙ ҚЎШИЛМА-ЯХШИЛОВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ**  
**АСОСИЙ ХОМ АШЁНИ ТЕЖАШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Жаббарова Сарвиноз Комилжоновна**

Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда табиий кўшилма –  
яхшилловчиларни қўллаб асосий хом ашёни тежаш ..... 3

**Жаббарова Сарвиноз Комилжоновна**

Применение натуральных добавок – улучшителей для  
снижения расхода основного сырья в кондитерском  
производстве ..... 21

**Jabbarova Sarvinoz Komiljonovna**

The use of natural additives improves to reduce the consumption of basic  
raw materials in the confectionery industry ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 40

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.T.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖАББАРОВА САРВИНОЗ КОМИЛЖОНОВНА**

**ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА**  
**ТАБИИЙ ҚЎШИЛМА-ЯХШИЛОВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ**  
**АСОСИЙ ХОМ АШЁНИ ТЕЖАШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т655 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) институт веб-сайтида ([www.bmti.uz](http://www.bmti.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исабаев Исмаил Бабаджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Додаев Қўчқор Одилович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация химояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «23» июл соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz)).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№84 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (200100, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўч., 15. Тел.: (99895) 604-44-70).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» июль куни тарқатилди.  
(2021 йил «17» апрелдаги №9 рақамли реестр баённомаси).



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё аҳолиси орасида ўзининг хуштаъмлиги, турли-туманлиги ва харидоргирлиги билан ажралиб турадиган унли қандолатчилик маҳсулотларининг оммабоплиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу билан бирга ушбу маҳсулотларнинг юқори энергетик қийматини белгилаб берувчи углеводлар ва ёғларнинг рецептуравий катта миқдорини ҳамда таркибида соғлиқ учун фойдали озиқ-овқат нутриентлари миқдорларининг етарли даражада эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур муаммо охириги пайтларда қандли диабет, семириш, ишемия ва бошқа шулар каби алиментар боғлиқ касалликларнинг кўпайиб кетаётганлиги туфайли долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда унли қандолатчилик маҳсулотларининг рецептурасини модификациялаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, улар ушбу маҳсулотларнинг таркибини тўла қимматли нутриентларга бойитиш билан бир вақтда шакар ва ёғларнинг рецептуравий миқдорини камайтириш, шунингдек, маҳсулотларнинг юқори истеъмол хусусиятларини ва узоқ сақлаш муддатларини таъминлаган ҳолда, уларни қисман ёки тўлиқ миқдорда муқобил кўшимчалар билан алмаштиришга қаратилган. Бу борада, маҳаллий хомашё манбаларидан, хусусан, таркибида қанд сақловчи манбалар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш, хом ашёни қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллашнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда янги турдаги хом ашёлардан фойдаланиш ҳисобидан қандолатчилик маҳсулотларининг юқори сифати ва озиқавийлик қийматини таъминлашнинг самарали технологик ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада унли қандолатчилик маҳсулотлари учун ўз таркибида кўп қанд моддаларини сақловчи табиий хом ашёларни аниқлаш, юқори сифатли маҳсулот олиш, концентрланган ярим тайёр маҳсулотларни олиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон «Мева сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, жумладан мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, уларнинг истеъмол меъёрларини талаб даражасига етказиш ҳамда турли ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларнинг озиқавийлик қийматини ошириш муаммоларини ечишга С.Я. Корячкина, Т.В. Матвеева, О.В. Перфилова, В.Ф. Доценко, А.Б. Эйнгор, Т.В. Рензиева, В.А. Васькина, Г.О. Магомедов, Л.П. Пащенко, S. Marcello, С. Rodriguez, М.Г. Васиев, Л.Н. Хайдар-Заде, И.Б. Исабаев, Т.И. Атамуратова ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Илмий нашрлар ва патент манбаларининг кенг қўламида ноанъанавий ингредиентлар - табиий ва синтетик қанд ўрнини босувчилар ҳамда ширинлаштирувчи моддалар, турли хил хом ашёларни физик-кимёвий қайта ишлаш натижасида олинадиган қўшимчалар (глюкозосорбит, пектин моддалари, микрокристаллик целлюлоза, лигнин, сорбит, ксилит, ацесульфам, стевиозид ва бошқалар), шунингдек табиий ўсимлик қўшимчаларининг афзалликларини намоён қилувчи натижалар келтирилган.

Шу нуқтаи назардан, мева-резаворлар ва сабзавот хом ашёсини қайта ишлаш маҳсулотлари, айниқса, таркибида табиий компонентларнинг уникал комплексини, шу жумладан, юқори концентрациядаги табиий қанд моддаларини ўзида сақлаган концентранган шакллари алоҳида аҳамият касб этиб, бу уларни истиқболли қанд сақловчи ингредиентлар деб ҳисоблашга асос бўла олади. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар технологик имкониятлари ҳали етарлича ўрганилмаган минтақавий ўсимликлар хом ашёси базасида олиб борилиши айниқса долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тадқиқ қилиш ва уларни такомиллаштиришнинг оптимал тизимларини ишлаб чиқиш” йўналиши ҳамда №1 “Қандолатчилик саноатида қанд ва ёғлар сарфини камайтириш мақсадида турли хил композициялардан фойдаланиш” (“Nozi Noni” МЧЖ, 06.01.2020 й.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** асосий хом ашёлар сарфини тежашни таъминловчи табиий қўшилма-яхшилагичларни қўллаб бойитилган унли

қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиялари ва рецептураларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ноанъанавий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда унли қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий самарали усуллари тўғрисидаги замонавий маълумотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

унли қандолатчилик маҳсулотлари учун ўз таркибида кўп қанд моддаларини сақловчи табиий хом ашёларни қўллаш истиқболлари ва таваккал хатарларини таҳлил қилиш;

хом ашёвий компонентлар ва улардан концентранган ярим тайёр маҳсулотларни олиш усулларини танлаш;

ўрганилаётган хом ашё турлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг кимёвий таркиби, функционал-технологик хусусиятлари ва озикавий хавфсизлигини ўрганиш;

ўрганилаётган қўшилмалар билан тайёрланган унли қандолатчилик маҳсулотларининг сифати ва озикавийлик қийматини баҳолаш;

ишлаб чиқарилган кекслар, пряниклар ва печенье турлари учун меъерий-техник ҳужжатларни тузиш ва тасдиқлаш, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш апробацияларини ўтказиш, ишланмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида таркибида кўп қанд моддаларини сақловчи табиий қўшилмалар – қандлавлари ва оқ тутнинг концентранган пасталари, сумалак, тутмайизнинг буғдой кепаци ва бошқа антиадгезион агентлар билан аралашмаларидан тайёрланган кукунлар, унли қандолатчилик маҳсулотлари – кекслар, пряниклар, печенье олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** унли қандолатчилик маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқиш, уларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, маҳсулотларнинг сифати ва озикавий хавфсизлигини ошириш, асосий хом ашёлар сарфини қисқартириш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотларини бажаришда хомашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни тадқиқ қилишнинг стандарт ҳамда маҳсус физик-кимёвий, микробиологик, реологик ва органолептик усулларида ҳамда натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel 2013 ва MathCad 15 мухитларида корреляцион-регрессион таҳлиллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

унли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қандлавлари ва оқ тутдан тайёрланган концентранган ярим тайёр маҳсулотлардан (пасталардан) фойдаланишнинг технологик самарадорлиги аниқланган;

унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда буғдой дони ферментатив гидролизининг концентранган миллий маҳсулоти бўлмиш сумалакдан фойдаланиш самарадорлиги асосланган;

тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчилик қиймати ва рақобатбардошлигини сақлаб қолган ёки оширган ҳолда патока ва инверт қиёмини ўзида қанд

моддаларини сақловчи хом ашёдан тайёрланган концентрланган ярим тайёр маҳсулотлар билан қисман ёки тўлиқ алмаштириш, шунингдек, ун қайнатмаси тайёрлаш босқичидан (пряник маҳсулотларни ишлаб чиқаришда) воз кечиш мумкинлиги исботланган;

тутмайиз ва буғдой кечаги аралашмасидан сақлаш пайтида ёпишиб қумоқланиб қолмайдиган сочилувчан кукун олиш усули ишлаб чиқилган ҳамда ундан унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш шакарни тежаши ва қаттиқ ёғлар (маргарин) сарфини камайтириб, уларни юқори функционал хусусиятларга эга бўлган ўсимлик мойи билан алмаштириш имкониятини бериши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таркибида табиий қанд сақловчи қўшилмалар киритилган унли қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича рецептуралар ва технологиялар ишлаб чиқилган;

пряник маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ун қайнатмаси тайёрлаш босқичини бекор қилиб, илк маротаба патока, инверт қиёми ва ун қайнатмаси ўрнини босадиган концентрланган ярим тайёр маҳсулотлар олинган;

композит кукунсимон аралашмалардан фойдаланган ҳолда шакар ва қаттиқ ёғларнинг рецептура миқдорини камайтириш имконияти яратилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** танланган тадқиқот усулларининг ваколатлилиги ҳамда тадқиқот мақсади ва вазифаларига мослиги, адекват регрессион тенгламаларнинг мавжудлиги, назарий хулосалар ва экспериментал натижаларнинг ишлаб чиқариш синовлари натижаларига мос келиши билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унли қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда рецептура таркибидан шакар, патока ёки инверт қиёмини камайтириш ёки чиқариш мақсадида табиий қўшилмалардан фойдаланиш, шунингдек, қаттиқ ёғларни суюқ ўсимлик мойлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланганни билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бойитилган унли қандолатчилик маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланиш, асосий хом ашёни тежаш, маҳсулот таннархини тушириш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таркибида қанд моддаларини сақловчи ўсимлик хом ашёсидан олинган концентрланган ярим тайёр маҳсулотларни унли қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оқ тут ва қандлавлардан олинган пасталар билан кекс ишлаб чиқариш технологияси “Oltin Boshog Issiq Noni” МЧЖда амалиётга жорий этилган («O'zbekoziqovqatxolding» холдинг компанияси акционерлик жамиятининг 2020 йил 11 сентябрдаги АС/7-979-сон маълумотномаси). Натижада, буғдой унининг рецептуравий миқдори сарфи ўртача 12,7% га, шакарники эса - 10,0% га камайтириш имконини берган;



кандлавлaги пастаси ва (ёки) сумалак билан оддий ва қайнатма пряниклар ишлаб чиқариш технологияси “Ko'k saroy Wachtel” МЧЖда амалиётга жорий этилган («O'zbekoziqovqatxolding» холдинг компанияси акционерлик жамиятининг 2020 йил 11 сентябрдаги АС/7-979-сон маълумотномаси). Натижада, крахмал патокасининг сарфи 50,0% га (оддий пряникларда) камайтириш ҳамда рецептурадан инверт қиёмини умуман чиқариш ва унни қайнатиш технологик босқичини бекор қилиш (қайнатма пряниклар учун) имконини берган;

тутмайиз ва буғдой кeпаги аралашмасининг кукунсимон композити билан шакарли печенье ишлаб чиқариш технологияси “Nozi Noni” МЧЖда амалиётга жорий этилган («O'zbekoziqovqatxolding» холдинг компанияси акционерлик жамиятининг 2020 йил 11 сентябрдаги АС/7-979-сон маълумотномаси). Натижада, буғдой унининг рецептуравий миқдори сарфи ўртача 5,9% га, шакар кукуниники - 38,5% га, маргаринники эса (уни ўсимлик мойи билан алмаштириш ҳисобидан) - 35,0% га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 халқаро ва 6 республика илмий-амалий конференциялари ҳамда форумларида маърузалар кўринишида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика журналларида 2 та ва хорижий журналларда 4 та илмий мақолалар, шулардан 1 та мақола Scopus рўйхатидаги журналда ва 1 та - Web of Science рўйхатидаги журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Асосий матнли материалнинг ҳажми 118 бетни ташкил қилиб, ўз ичига 32 та жадвал ва 20 та расмни олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида масаланинг ҳозирги ҳолати қисқача тавсифланган, тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, унинг мақсади ва вазифалари, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, ишнинг давлат дастурлари ҳамда республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, ишлаб чиқилган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Унли қандолатчилик маҳсулотларининг озиқавийлик қийматини ошириш замонавий усулларининг аналитик таҳлили”** деб номланган биринчи бобида унли қандолатчилик маҳсулотлари (УҚМ) ассортиментини яхшилашнинг асосий тенденциялари, кекслар, пряник маҳсулотлари ва печеньеларнинг технологиялари ҳамда ассортиментларидаги

ўзига хос томонлари таҳлил қилинган. Қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган қанд ўрнини босувчи ва ширинлаштирувчиларнинг афзалликлари ва камчиликлари очиб берилган.

Унли қандолатчилик маҳсулотларининг озиқавийлик қийматини ошириш муаммосини ҳал қилишда тадқиқотчиларнинг катта ҳиссаси бўлишига қарамай, кўплаб жиҳатлари ҳали етарлича ўрганилмаганлиги аниқланган. Муаммонинг ушбу жиҳатлари, хусусан, энг кўп қанд моддаларига эга компонентлар – патока, инверт қиёмининг (оддий пряникларда) рецептуравий миқдорини камайтириш ёки бутунлай улардан воз кечиш мақсадида мева ва сабзавот хом ашёсидан тайёрланган концентрланган ярим тайёр маҳсулотлар ва ун полисахаридларининг гидролизи маҳсулотларидан фойдаланиш; инверт қиёмини ва унга ун қўшиб қайнатмани тайёрлаш (қайнатма пряниклар учун) босқичларини бекор қилиш; маҳсулотлардаги шакар ва қаттиқ ёғ миқдорини камайтириш ва уларни функционал ингредиентлар билан бойитиш (печенье) кабилар билан боғланган. Шулар асосида тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва усуллари кўриб чиқилган; хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлар хоссаларини органолептик ва инструментал таҳлил қилишнинг умумий қабул қилинган стандарт усуллари-органолептик, кимёвий, физик-кимёвий, микробиологик ва функционал-технологик усуллари келтирилган; навли буғдой унидан кекслар, пряниклар (оддий ва қайнатма) ва қандли печенье тайёрлаш усуллари тавсифланган. Тажриба маълумотларини математик режалаштириш ва статистик ишлов бериш усуллари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Унли қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибида қанд сақловчи минтақавий хом ашёлардан фойдаланишни назарий ва тажриба йўли билан асослаш”** деб номланган учинчи бобида унли қандолатчилик маҳсулотлари (УҚМ) учун минтақавий ўсимлик хом ашёсини кўллашнинг стратегик истиқболлари ва хатарлари таҳлили бажарилган; хом ашёнинг кимёвий таркиби ва озиқ-овқат хавфсизлиги ўрганиб чиқилган; ушбу хом ашёдан олинган концентрланган ярим тайёр маҳсулотларнинг (паста, кукун, куруқ композит аралашмалар) ва буғдой полисахаридлари гидролизи маҳсулоти бўлмиш сумалакнинг технологик потенциали верификацияси (текшириш) амалга оширилган; сақлашда тутмайиз кукунининг зичланиб қолиши ва қумоқланишини олдини олишнинг самарали усуллари аниқланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўсимлик хом ашёсидан олинган концентрланган ярим тайёр маҳсулотлар ва композицион аралашмалардан фойдаланишнинг стратегик истиқболлари ва таваккал хатарлари таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган (SWOT-таҳлил). Ушбу таҳлил УҚМ ишлаб чиқаришда ўсимлик хом ашёсидан олинган концентрланган ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланишнинг технологик самарадорлиги ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Катта хилма-хилликдаги

маҳаллий мева-сабзавот хом ашёлари орасида ширинлик даражасининг юқорилиги ва паст кислотавийлик даражаси билан ажралиб турадиган оқ тут ва қандлавлaги алоҳида эътиборга лойиқ. Оқ тут (лот. *Morus alba*) тут (лот. *Moraceae*) оиласига мансуб бўлиб, Марказий Осиёнинг истиқболли асосий резаворларидан бири ҳисобланади. Қандлавлaги (лот. *Beta vulgaris*) – оддий лавлагидан турлари гуруҳи, шўрадошлар (маревые) оиласига мансуб, ҳосилдорлиги 40...50 т/га гача. Тадқиқот объектларининг кимёвий таркиби ва энергетик қиймати таҳлили (1-жадвал) шуни кўрсатдики, тут мевалари қандлар миқдори бўйича қандлавлaгидан деярли қолишмайди, аммо қандлавлaгининг калориявийлиги оқ тутниқидан ўртача 30,0% юқоридир.

#### 1-жадвал.

#### Тадқиқот объектларининг кимёвий таркиби ва энергетик қиймати

Нутриентлар	Таркибий масса улуши, г/100 г маҳсулот	
	Тут мевалари	Қандлавлaги илдизмеваси
Сув	81,74	74,64
Оқсиллар	0,78	1,48
Қандлар	12,60	17,64
Крахмал	0,65	0,09
Пектин*	0,21	2,36
Ёғлар	0,41	0,14
Органик кислоталар	1,34	0,06
Озиқавий толалар	1,75	2,04
Кул	0,23	0,27
Бошқа моддалар	0,29	1,28
Ширинлик даражаси	ширин	кам ширин
Энергетик қиймати, ккал	56,7	73,7

\*Изоҳ – галактурон кислотасига ҳисоблаганда

Шуни таъкидлаш керакки, оқ тут мевасининг ўзига хослиги организмда гепатопротектив функцияни бажарадиган фитоалексин – ресвератрол ва тинчлантирувчи, седатив, ўт ҳайдаш хусусиятларга эга ноёб гликозид – тутин мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Қандлавлaгининг ўзига хослиги умумий иммунитетга, метаболизмга, овқат ҳазм қилишга, юрак-қон томир фаолиятига, инсоннинг репродуктив тизимига ижобий таъсир кўрсатадиган гамма-аминобутирик кислота, бетаин ва биофлавоноидлар (Р витамини) мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқ қилинаётган оқ тут меваси ва қандлавлaги илдизмеваси ГОСТ 976513-2020 ва ГОСТ 33884-2016, СанПиН №0366-19 талабларига жавоб бериши аниқланган. Демак, мазкур хом ашё УҚМ озиқавийлик қийматини ошириш ва уларни ўзига хос фармакологик фаол моддалар билан бойитиш имконини беради.

Мева ва сабзавот хом ашёсидан олинган пасталардан ташқари, буғдой дони полисахаридларининг гидролизи маҳсулотларидан бири бўлмиш миллий ширинлик - сумалак эътиборга лойиқдир. Унинг таркибидаги холин (триметиламмоний) гепатопротектив ва липотроп хусусиятларга эга бўлиб, марказий асаб тизимининг медиатори сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган

ацетилхолинга айланади.

Шундай қилиб, тадқиқот объекти бўлиб тутмайиздан (ТМП) ва қандлавланидан (ҚЛП) олинган пасталар ҳамда сумалак хизмат қилди (2-жадвал).

Органолептик кўрсаткичлар бўйича ўрганилган ярим тайёр маҳсулотлар сезиларли фарқларга эга эмас. Шу билан бирга, сумалакдаги редуцияловчи моддаларнинг масса улуши ТМП ва ҚЛП даги аналогик кўрсаткичларнинг қийматидан мос равишда ўртача 1,7 ва 1,8 баравар юқори эканлиги аниқланди.

2-жадвал.

**Тадқиқот объектларнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар қийматлари		
	ТМП	ҚЛП	Сумалак
Ранги	Оч жигарранг	Қаймоқранг	Карамель рангли
Ҳиди	Ўзига хос, кучсиз ифодаланган мева ҳиди	Ҳидсиз	Кучсиз ифодаланган тутунли нон ҳидли
Таъми	Ширин	Ширин, сал нордонлик таъмли	Ширин, сал аччиқлик таъмли
Консистенцияси	Бир жинсли, қовушқоқ, кучсиз оқувчан		
Қуруқ моддалар масса улуши, %	45,0±1,0	45,0±1,0	36,80±1,5
Редуцияловчи моддалар масса улуши, %	21,50±0,5-	19,90±0,5	36,80±1,0
Титрланадиган кислоталар масса улуши (олма кислотасига ўтказиб ҳисоблаганда), %	0,83±0,5	0,59±0,3	0,43±0,5
Водород кўрсаткичи, рН	3,30±0,1	3,80±0,3	4,53±0,5

Тадқиқ қилинган ярим тайёр маҳсулотлар қуруқ моддаларининг катта қисми углеводлар комплексига тўғри келади. Бунда ТМП углеводлари асосан фруктоза ва глюкоза, ҚЛП углеводлари эса сахароза билан ифодаланади. Клетчатка ва пектиннинг мавжудлиги хамирнинг реологик хусусиятларига ва тайёр маҳсулотнинг янгилик даражасини сақлаш муддатига таъсир қилиши мумкин. ТМП энг паст энергетик қиймат билан характерланади, унинг қиймати ҚЛП ва сумалакка қараганда 100 г маҳсулот учун 5,6 ва 42,6 ккал пастрокдир.

Таъкидлаш лозимки, тут мевалари мавсумий маҳсулот бўлиб, юқори намлиги ва гигроскопик қанд моддалари мавжудлиги сабабли уларни сақлашнинг деярли имкони йўқ, шунинг учун уларни 10,0±1,0% намликкача қуриштириб майдалаш (туйиш) мақсадга мувофиқ бўлиб, бу мавсумдан қатъий назар, йил давомида улардан УҚМларини ишлаб чиқаришда кукунсимон ярим тайёр маҳсулот (кукун) сифатида фойдаланишга имкон беради.

Тадқиқ қилинган кукун тўқ жигаррангга эга бўлиб, асосий фракциясидаги (84,0%) заррачалар катталигининг ўртача қиймати 200 мкм дан ошмади, ўлчамлари 200 мкм дан каттароқ бўлган заррачалар умумий миқдорнинг тахминан 4,2% ни ташкил этди. Заррачалар эквивалент диаметри ўртача  $d_{эке} = 132 \pm 10$  мкм, сочилма зичлиги қийматига кўра ( $\rho_n = 587 \pm 3$  кг/м<sup>3</sup>) кукун

ўртача қийматга эга ( $1100 < \rho_n > 600 \text{ кг/м}^3$ ) сифатида тавсифланади.

Бироқ, тадқиқ қилинаётган кукун ҳатто жуда оз муддат сақланганда ҳам зарралари бир-бирига ёпишиб, гувалалана бошлайди, масса ёпишқоқ бўлиб, ўзининг сочилувчанлигини йўқотади. Ушбу салбий оқибатларнинг олдини олиш ва хом ашёнинг сақлаш муддатини узайтиришнинг самарали усуллари аниқлаш мақсадида қўшимча тадқиқотлар ўтказиш лозим бўлди.

Мазкур муаммонинг ечими асосан гувалаланиб қолишга қарши воситалардан фойдаланиб, фазали контактлар билан мустаҳкам структураларнинг ҳосил бўлиш эҳтимолининг олдини олиш зарурати билан боғлиқдир. Бундай талабларни озиқавий толалар (клетчатка) мустақил маҳсулот сифатида ва бошқа хом ашёлар таркибида юқори концентрацияларда бўлган ҳолида қуритилган тутмайизга қўшиб майдалаб, кукун тайёрланганда қониқтириши мумкин.

Ўрганилаётган тут кукуни (ТК) гувалаланиб қолишига қарши воситалар сифатида қўйидагилар қабул қилинди: «Sanacel Wheat 90» озиқа толалари, «Витацель» ўсимлик толалари, буғдой кепаги, буғдой муртаги маҳсулоти, 1-навли буғдой уни.

Икки фазали сочилувчан тизимлар (композитлар) қуритилган тут ва гувалаланиб қолишга қарши танланган воситаларнинг мос равишда қўйидаги 20:80, 30:70, 50:50, 60:40; 70:30 и 80:20 нисбатларида тайёрланди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида барча вариантларда маҳсулот дисперсланиши етарлича яхши ўтганлиги, ишчи органга ва тегирмон деворларига ёпишиши кузатилмаганлиги аниқланди. Лекин, белгиланган сақлаш муддати ўтганидан сўнг икки фазали аралашмаларни визуал текшириш пайтида тутмайиз билан буғдой кепагини 30:70 нисбатда аралаштирилган ҳолда туйиб тайёрланган кукун варианты энг яхши натижалар бериши аниқланди, унда бир жинсли, сочилувчан, гуваласиз қаймоқранг масса сақланиб қолди.

Бевосита ишлаб чиқарилгандан кейин (сақлашсиз) тўғридан-тўғри қўллашга мўлжалланган кукунли композит аралашмани тайёрлашда унинг таркибига қўшилиши керак бўлган текширилган антиадгезион воситалар миқдори аралашма массасига нисбатан 30% дан 50%гача бўлиши ҳам мумкин. Бунда улар дарҳол гувалаланиб қолмайди. Бироқ бирмунча узок муддат давомида сақлаш учун саноатда нисбатан арзон ва етказилиши осон бўлган буғдой кепадан антиадгезион агент сифатида аралашманинг массасига нисбатан 70,0% миқдорида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу аралашманинг тавсия этилган сақлаш муддати 1 ой, рухсат этилган муддати эса 3 ой эканлиги, бошқа барча вариантлар эса етарли даражада самарали эмаслиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Унли қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи бобида кексларни ишлаб чиқаришда шакарнинг рецептуравий миқдорини камайтириш, оддий пряникларни ишлаб чиқаришда патока ёки инверт қиёмини қисман ёки тўлиқ алмаштириш, қайнатма пряникларни ишлаб чиқаришда инверт қиёми ва ун қайнатмасини қисман ёки тўлиқ алмаштириш учун оқ тут ва

қандлавлардан олинган ярим тайёр маҳсулотлар (пасталар), шунингдек, сумалақдан фойдаланиш; қандли печенье ишлаб чиқаришда уларнинг озикавийлик қийматини ошириш ва минтақавий ўсимлик материалларидан хом ашё захирасини яратиш учун шакарнинг рецептура миқдорини камайтириш ва қаттиқ ёғларни суюқ ўсимлик мойлари билан қисман алмаштириш мақсадида кукунли аралашмалардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

*Кекслар.* Модификация объекти сифатида “Байрамона” (“Праздничное”) кексини тайёрлашнинг рецептураси ва технологияси қабул қилинди.

Тадқиқот мақсади – ТМП ва ҚЛП дан фойдаланган ҳолда шакарнинг рецептуравий миқдорини камайтириб кекслар ишлаб чиқариш рецептураси ва технологиясини ишлаб чиқиш.

Паста дастлабки рецептурадан келиб чиқиб ун массасига нисбатан 20,0% миқдорида қўлланилди. Кексларнинг сифати пиширгандан сўнг 16 соат ўтгач, органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича ГОСТ 15052-2014 талабларига мувофиқлиги билан баҳоланди (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Тажриба пасталарини қўшиб тайёрланган кексларнинг сифат кўрсаткичлари**

Кўрсаткич номи	ГОСТ 15052-2014 талаблари	Кекслар кўрсаткичлари қиймати		
		<i>Назорат</i>	<i>ТМП билан</i>	<i>ҚЛП билан</i>
Таъми ва ҳиди	Ширмой таъмли ва ўзига хос ҳидли, қўшимча таъм ва ҳидларсиз		Меванинг қўшимча таъми ва характерли ҳиди, қўшимча таъм ва ҳидларсиз	Ширмой таъмли ва ваниль ҳидли, қўшимча таъм ва ҳидларсиз
Сирти	Характерли ёриқли, яққол ифодаланган ён сирти мавжуд, бўшлиқсиз, куйиксиз, узилиш ва нотекисликларсиз			
Синдириб бўлақлаганда кўриниши	Қумоқларсиз, яхши аралаштирмаганлик изисиз, бир текис ғовакли, бўшлиқсиз ва зичликсиз			
Структура	Юмшоқ, боғланган, ғовакли, бўшлиқсиз ва зичликсиз			
Шакли	Тўғри, юқори сирти бўртиб чиққан, бўшлиқсиз			
Намлиги, %	12,0...24,0	21,4±0,2	21,8±0,2	21,6±0,2
Умумий қанднинг масса улуши (сахароза бўйича), %	13,0...25,0	24,2±0,3	24,0±0,1	24,1±0,1
Ёғ масса улуши, %	9,0...22,0	20,0±1,0	19,5±1,0	19,0±1,0
Ишқорлилик, град	Кўпи билан 2,0	0,5±50,1	0,3±0,2	0,5±0,1
*Зичлик, г/см <sup>3</sup>	Кўпи билан 0,55	0,59±0,2	0,51±0,3	0,54±0,3
Солиштирма ҳажми, см <sup>3</sup> /100 г	-	174±5	177±4	182±4

\*Изоҳ – массаси кўпи билан 100 г бўлган маҳсулотлар учун

ТМП ва ҚЛП сақлаган кекслар рецептурасини ҳисоблаш шуни кўрсатдики, мазкур қўшимчалар ўз таркибидаги қанд моддалари ва бошқа курук моддалар мавжудлиги сабабли ҳар 1000 кг тайёр маҳсулотни олишда буғдой уни сарфини мос равишда 42,6 ва 43,1 кг (12,6 ва 12,8%) га, шакар сарфини 23,8 ва 24,1 кг (9,9 ва 10,1%) га камайтириш имконини беради. ТМП қўшилиши кексларни ёқимли мевали ҳид билан таъминлаб, рецептурадан ваниллинни чиқариш

имконини беради.

Назорат намунаси ҳамда ТМП ва ҚЛП қўшиб тайёрланган тажриба кекслари озиқавийлик қийматини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тажриба вариантларида қуйидаги компонентларнинг масса улуши камайган: мос равишда оксиллар - 3,5 ва 4,4 % га, шакар - 0,4 ва 1,2 % га, крахмал –12,4 % га. Тажриба намуналарининг энергетик қиймати ўртача 3,65% га камайди, озиқавий толаларга бўлган кунлик эҳтиёжни қондириш даражаси эса 1,65 ва 5,50% га ошди. Маҳсулотлар пектин билан бойитилди. Ранжирлаш натижасида аниқланган маҳсулотлар сифатининг комплекс кўрсаткичи - умумий ранг тажриба намуналарининг деярли бир хил озиқавийлик қийматга эга эканлигини кўрсатди (16 балл) ва назорат қийматидан 5 баллга юқори бўлди.

*Оддий пряниклар.* Модификация объекти сифатида “Симферопольские” оддий пряниклар тайёрлаш рецептураси ва технологияси қабул қилинди.

Тадқиқот мақсади – ҚЛП дан фойдаланган ҳолда рецептурадаги патока ёки инверт қиёмини қисман ёки тўлиқ алмаштириб оддий пряниклар ишлаб чиқариш рецептураси ва технологиясини ишлаб чиқиш.

Патока, инверт қиёми (бундан кейин ИҚ) ҳамда ҚЛП сифати ва кимёвий таркиби кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқ қилинаётган ярим тайёр маҳсулотлар органолептик кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқларга эга эмас, ҚЛП таркибидаги редуцияловчи моддалар миқдори (100 г ҚМ га ҳисоблаганда ~ 44,2%) патока ва ИҚ га қараганда мос равишда 1,16 (~ 51,3%) ва 1,53 (~ 67,7%) мартага кам. Лекин, пастадаги редуцияловчи моддаларнинг нисбатан паст миқдори унинг таркибидаги тайёр маҳсулотларнинг янгилик даражасига таъсир қиладиган сувни ушлаб туриш қобилияти юқори бўлган пектин ва озиқавий толалар мавжудлиги билан қопланиши мумкин, тайёр маҳсулотларнинг керакли даражадаги ширинлиги эса патока ёки ИҚ га нисбатан намлигининг фарқи туфайли маълум даражада ҚЛПнинг юқори дозалари билан таъминланиши мумкин.

Пряникларнинг назорат намуналари учун хамир рецептурани ўзгартирмасдан тайёрланди, тажриба намуналари - вариантлар бўйича: 1-вариант - 50,0% патока ҚЛП билан алмаштирилди; 2-вариант - 100,0% патоканинг ҳаммаси ҚЛП билан алмаштирилди. Қайта ҳисоблаш патока ва пастадаги қуруқ моддаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.


Намлиқни сақлаш қобилияти юқори бўлган озиқавий толаларга бой ҚЛП нинг хамир рецептурасига киритилиши хамир суяқ фракциясининг камайишига ва қовушқоқлиги ошишига олиб келди. Хамирнинг тажриба намуналари назоратникига қараганда пастроқ адгезион мустаҳкамликни намоеън этди, чунки хамир қовушқоқлиги ошиши билан у таъсирлашадиган материал юзасининг микрорельефини тўлдириш тезлиги пасаяди.

Тажрибавий пиширишлар серияси натижасида оддий пряниклар рецептурасида патокани ҚЛП билан қисман ёки тўлиқ алмаштириш уларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланд. Зеро, солиштирма ҳажм 6,7 ва 15,1% га, намлик 2,7 ва 6,1% га ошди, зичлик назоратга нисбатан 6,4 ва 14,5%

га камайди. Органолептик хусусиятлар жиҳатидан ҚЛП қўшиб тайёрланган пряниклар янада нозикроқ таъмли, жозибали тусли, ғоваклилиги бир текис тақсимланган, шаклининг ёйилмаган эканлиги билан ажралиб туради. Маҳсулот таркибидаги ҚЛП миқдорининг ошиши билан қанд моддалари ва ёғларнинг масса улуши стандарт (ГОСТ 15810-2014) талаблари даражасида қолди ва бу пряникларнинг тажриба намуналари таъмига салбий таъсир қилмади.

Тажриба маҳсулотларида оксил миқдори назоратдаги кўрсаткичдан 1,6 ва 6,3% га, озикавий толалар 4,9 ва 7,3% га юқори эканлиги аниқланди, бунда углеводларнинг масса улуши 0,5 ва 1,0% га, энергетик қиймати 100 г маҳсулот учун 1,3 ва 2,5 ккал га камайганлиги аниқланди. Оксил:ёғ:углеводларнинг оптимал нисбати 1,0:1,2:4,6 бўлган ҳолда назорат, 1- ва 2- вариантларда мос равишда 1,0:0,9:11,3; 1,0:0,8:11,0 ва 1,0:0,8:10,8 ни ташкил этди. Умуман, маҳсулотлар УҚМ (начинкасиз) учун ТР ТС 022/2011 талабларига жавоб берди.

Кейинги босқич тажрибаларида қўшиладиган ҚЛП турли миқдорларининг пряникларни сақлаш пайтида уларнинг янгилик даражасига таъсири ўрганилди. Таъкидлаш лозимки, амалдаги ГОСТ 15810-2014 пряниклар учун конкрет яроқлилик муддатларини ва уларни сақлаш шартларини белгиламайди. Бугунги кунда бу ишлаб чиқарувчининг алоҳида ҳукукидир (прерогатива). Мазкур тадқиқотларда сақлашнинг 25 кунлик муддати белгиланди (1-расм).



1-расм. Сақлаш жараёнида пряникларнинг солиштирма ҳажми ўзгариши динамикаси ( $-\Delta V_{\text{сол.}}$ , см<sup>3</sup>/г)

*Қайнатма пряниклар.* Модификация объекти сифатида “Волжские” қайнатма пряниклар тайёрлаш рецептураси ва технологияси қабул қилинди

Тадқиқот мақсади – ҚЛП ва сумалак (С<sub>6</sub>) дан фойдаланган ҳолда рецептурадаги патокани (инверт қиёмини) тўлиқ алмаштириш ва унни қайнатиш босқичини бекор қилиб, қайнатма пряниклар ишлаб чиқариш рецептураси ва технологиясини ишлаб чиқиш.

Пряниклар тажриба намуналари учун хамир рецептурасидаги мувофиқ ўзгаришлар билан қўйидаги вариантлар бўйича тайёрланди: биринчи вариант – ҚЛП ва С<sub>пш</sub> дан иборат қўшилмалар 50:50 нисбатда олинди, иккинчи вариант – 100,0% С<sub>6</sub> қўшиб тайёрланди. Анъанавий рецептура бўйича пиширилган пряниклар намунаси назорат сифатида хизмат қилди.



Пряниклар сифатининг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлили тажриба намуналарининг ГОСТ 15810-2014 талабларига жавоб беришини ва ҳеч қандай принципиал фарқларга эга эмаслигини кўрсатди. Дегустаторлар томонидан сумалак билан тайёрланган намуналарнинг хуштаъмлилиги алоҳида таъкидланди (2-вариант).

Урни қайнатиш, бошқа афзалликлар билан бир қаторда, пряниклар янгилик даражасини сақлаш муддатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, шунинг учун сақлашда тажриба намуналари намлигининг ўзгаришлари динамикасини аниқлаш тадқиқотлари бажарилди (2-расм).



2-расм. Сақлаш жараёнида пряниклар намлиги ўзгариши динамикаси (Δ),% да:  
*к* - назорат; 1 – ҚЛП +  $C_6$  билан; 2 -  $C_6$  билан

ҚЛП+ $C_6$  (1-вариант) билан тайёрланган тажриба намуналарида намликни йўқотиш тезлиги фақат  $C_6$  (2-вариант) билан тайёрланган намуналарга қараганда паст эканлиги аниқланди. Назорат пряниклари ва  $C_6$  қўшилган вариантларда 7 кунлик сақлашдан сўнг намлик 6,8% ни, ҚЛП +  $C_6$  қўшилган вариантда эса 8,2% ни ташкил қилди. Бунда тажриба намуналари визуал жиҳатдан янгироқ эканлиги қайд этилди.

*Шакарли печенье.* Модификация объекти сифатида “Шакарли” печенье тайёрлаш рецептураси ва технологияси қабул қилинди.

Тадқиқот мақсади табиий қўшилмаларнинг икки фазага кукунсимон композит аралашмаси ва суюқ ўсимлик мойини қаттиқ ёғлар ўрнида қўллаб шакарли печенье рецептурасини моделлаштиришдан иборат бўлди.

Қўшилмали тажриба печеньелари рецептураси ва технологиясини ишлаб чиқиш учун прототип сифатида маргаринда тайёрланган “Шакарли” печеньеининг базавий рецептураси танланди. Печеньеининг тажриба намуналари қуритилган тут, яъни тутмайиз (ТМ) ва буғдой кепаги (БК) нинг кукунсимон аралашмаларини қўшиб ҳамда маргаринни қисман рафинацияланган дезодоризацияланган пахта мойи билан алмаштириб тайёрланди.

Кукунсимон аралашмалар қуйидаги вариантларга мувофиқ тайёрланди: 1-вариантда аралашмадаги ТМ:ПО нисбати мос равишда 30:70, 2-вариантда – 50:50, 3-вариантда – 70:30. Таққослаш объекти сифатида 1-навли буғдой уни хизмат қилди.

Тадқиқотлар модель тизимларда ортогонал режалаштириш дастуридан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Ўзгарувчан омиллар сифатида қуйидагилар

танланди: кукунли аралашманинг дозаси ( $X_1$ ) ун массасига нисбатан % да; пахта мойининг дозаси ( $X_2$ ) маргарин массасига нисбатан % да. Ўзгариш чегаралари қуйидагини ташкил қилди:  $X_1$  – ун массасига нисбатан 10,0 дан 40,0% гача,  $X_2$  – маргарин массасига нисбатан 10,0 дан 50,0% гача. Оптималлаштириш параметрлари: органолептик сифат кўрсаткичлари ( $y_1$ , балл) ва печенье зичлиги ( $y_2$ , кг/м<sup>3</sup>).

Тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш асосида оптималлаштириш параметри  $y$  нинг ўзгарувчан омиллар ( $x_1$ ,  $x_2$ ) га боғлиқлигини тавсифловчи регрессия тенгламалари (1-6) олинди:

*вариант 1*

$$y_1 = 15,6 + 0,06 * x_1 - 0,07 * x_2 - 0,03 * x_1^2 - 0,07 * x_2^2 + 0,12x_1 * x_2 \quad (1)$$

$$y_2 = 673,66 - 0,83 * x_2 - 0,50 * x_2^2 - 0,25x_1 * x_2 \quad (2)$$

*вариант 2*

$$y_1 = 14,9 + 0,11 * x_1 - 0,09 * x_2 - 0,05 * x_1^2 - 0,11 * x_2^2 + 0,15x_1 * x_2 \quad (3)$$

$$y_2 = 647,54 - 0,72 * x_2 - 0,41 * x_2^2 - 0,19x_1 * x_2 \quad (4)$$

*вариант 3*


$$y_1 = 16,1 + 0,05 * x_1 - 0,04 * x_2 - 0,06 * x_1^2 - 0,05 * x_2^2 + 0,09x_1 * x_2 \quad (5)$$

$$y_2 = 681,37 - 0,89 * x_2 - 0,63 * x_2^2 - 0,33x_1 * x_2 \quad (6)$$


Барча тенгламалар учун Фишернинг умумий мезони ( $F_p$ ) жадвал қиймати  $F_p=2.42$  бўлганда 1,56 дан ошмади. Демак, регрессия тенгламалари параметрларининг статистик қиймати тан олинади. Олинган тенгламалар асосида алоҳида ҳолатлар учун жавоб (отклик) сиртлари қурилди (3-расм).

ТМ ва БК нинг қуйидаги нисбатлари асосида тайёрланган кукунсимон аралашмани қўллаб ҳар 1 тонна шакарли печенье ишлаб чиқаришда назоратдаги рецептуравий ингредиентларнинг қуйидаги миқдорларини камайтириш мумкинлиги аниқланди: ТМ:БК нинг 30:70 нисбатидаги кукунли аралашмаси ун массасига нисбатан 20,0% қўлланилганда: буғдой уни – 49,49 кг (7,5%), шакар пудраси – 39,81 кг (18,5%), маргарин (рафинацияланган ва дезодорацияланган пахта мойини қўллаш ҳисобидан) – 43,75 кг (40,0%) га; ТМ:БК нинг 50:50 нисбатидаги кукунли аралашмаси ун массасига нисбатан 25,0% қўлланилганда: буғдой уни – 39,41 кг (5,9%), шакар пудраси – 82,94 кг (38,5%), маргарин - 38,32 кг (35,0%) га; ТМ:БК нинг 70:30 нисбатидаги кукунли аралашмаси ун массасига нисбатан 30,0% қўлланилганда: буғдой уни – 13,87 кг (2,1%), шакар пудраси – 139,33 кг (64,6%), маргарин - 32,84 кг (30,0%) кам сарфланади.


### Вариант 1



### Вариант 2



### Вариант 3



3-расм. Икки фазали аралашма ( $x_1$ ) ва ўсимлик мойи ( $x_2$ ) дозировкасининг печенье органолептик кўрсаткичлари (а) ва зичлигига (б) таъсири

Қандолат маҳсулотларининг ишлаб чиқилган рецептураларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш натижасида кутилаётган иқтисодий самара ҳар 1 тонна тайёр маҳсулотга нисбатан: кекслар учун (қўлланилган кўшилма турига қараб) 109620,0 ва 238410,0 сўм; оддий пряниклар учун – 103878,0 ва 207695,0 сўм; қайнатма пряниклар учун – 127396,0 ва 63488,0 сўм; шакарли печенье учун - 190,299,4 дан 423,380,8 сўмгачани ташкил қилди.

## ХУЛОСА

1. Асосий рецептура ингредиентлари (шакар, қаттиқ ёғлар) сарфини камайтириш, унли қандолатчилик маҳсулотларининг озиқавийлик қийматини ошириш ва функционал хусусиятларини кучайтириш мақсадида ўзида қанд моддаларини сақловчи ўсимлик хом ашёсидан тайёрланган қўшилма-яхшиловчилардан фойдаланиш самарадорлиги илмий асосланган.

2. Оқ тут мевалари ва қандлавлари илдизмеваларидан тайёрланган концентранган ярим тайёр маҳсулотлар (паста, кукун, куруқ композит аралашмалар), шунингдек буғдой полисахаридлари гидролизи маҳсулоти - сумалакдан кекслар, пряник ва шакарли печенье ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тажрибада тасдиқланган.

3. Ун массасига нисбатан 20,0% миқдорда ТМП ва ҚЛП қўшиб озиқавий толалар билан бойитилган кексларни тайёрлаш рецептураси ва технологияси такомиллаштирилди ҳамда кексларнинг кимёвий таркиби ўрганилди. Тажриба вариантларида оксилларнинг масса улуши 3,5 ва 4,4% га, шакар 0,4 ва 1,2% га ҳамда крахмал 12,4% га камайиб, озиқавий толалар миқдори 17,5 ва 56,0 мартага ошгани аниқланди. Энергетик қиймат ўртача 3,65% га камайди.

4. Оддий пряниклар рецептурасида ҚЛП дан фойдаланиш патока (ёки инверт қиёми) дозировкасини 50,0% га камайтириш, шунингдек уни рецептура таркибидан бутунлай чиқариш имконини берди, бунда тажриба намуналарида оксил миқдори мос равишда 1,6 ва 6,3% га, озиқавий толалар миқдори 4,9 ва 7,3% га ошди, энергетик қиймати эса 100 г маҳсулотга 1,3 ва 2,5 ккал га камайди.

5. Қайнатма пряниклар ишлаб чиқаришда ҚЛП ва сумалакни 50:50 нисбатда ёки фақат сумалакни қўллаб, маҳсулотларнинг сақлаш муддатига деярли таъсир кўрсатмай, патока, қанд-асал, қанд-патока ёки қанд-патока-асал қиёмида унни қайнатиш технологик босқичини бекор қилиш имконияти аниқланди. Бунда маҳсулотлар юқори даражадаги органолептик сифат кўрсаткичлари билан ажралиб турди.

6. Қуритилган тут ва буғдой кепадан олинган икки фазали кукунсимон аралашмалар турли композицияларини ун массасига нисбатан 20,0 дан 30,0% гача қўшиб шакарли печенье тайёрлашнинг рецептураси ва технологияси такомиллаштирилди, бу эса асосий хом ашё (буғдой уни, шакар пудраси) сарфини камайтириш, 40,0% гача маргаринни суяқ ўсимлик мойи билан алмаштириш, маҳсулотларнинг функционал хусусиятларини кучайтириш имконини берди.

7. Кекслар, пряниклар ва печенье тайёрлашнинг такомиллаштирилган рецептуралари ҳамда технологиялари бўйича меъёрий-техник ҳужжатлар тайёрланди, саноат апробацияси амалга оширилди. Ишлаб чиқилган унли қандолатчилик маҳсулотларини саноат миқёсида ишлаб чиқарилишидан кутилаётган иқтисодий самара аниқланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01  
ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЖАББАРОВА САРВИНОЗ КОМИЛЖОНОВНА**

**ПРИМЕНЕНИЕ НАТУРАЛЬНЫХ ДОБАВОК – УЛУЧШИТЕЛЕЙ ДЛЯ  
СНИЖЕНИЯ РАСХОДА ОСНОВНОГО СЫРЬЯ В КОНДИТЕРСКОМ  
ПРОИЗВОДСТВЕ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/T655.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно - технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу [www.bmti.uz](http://www.bmti.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Исабаев Исмоил Бабаджанович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Додаев Кучкор Одилович**  
доктор технических наук, профессор

**Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита диссертации состоится «23» июля 2021 г. в 09:00 часов на разовом заседании научного совета PhD.03/30.12.2019.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: Бухарская область, 200100, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-78-84; e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за №84 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: Бухарская область, 200100, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан «10» июля 2021 года.  
(протокол рассылки №9 от «17» апреля 2021 г.).



**Н.Р. Баракаев**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**К.Х. Гафуров**  
Учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
к.т.н., доцент

**М.З. Шарипов**  
Председатель Научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.ф-м.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мучные кондитерские изделия в силу своего разнообразия, вкусовых достоинств и доступности, пользуются стабильно повышенным спросом среди мирового населения. В то же время следует особо отметить их высокую калорийность из-за значительного содержания углеводов и жиров, а также, практически полное отсутствие в них незаменимых для здоровья пищевых нутриентов. Данная проблема в последнее время особенно актуальна в связи с ростом таких алиментарно-зависимых заболеваний, как ожирение, сахарный диабет, ишемическая болезнь сердца и др.

Во всем мире проводятся исследования по модификации рецептуры мучных кондитерских изделий, которые способствуют обогащению этих продуктов полноценными питательными веществами и снижению предписываемого количества сахаров и жиров, а также частичной или полной замене их, обеспечивая при этом высокие потребительские свойства и длительный срок хранения. В связи с этим, особое внимание уделяется использованию местных источников сырья, особенно сахаросодержащих и продуктов их переработки, совершенствованию технологических процессов кондитерского производства, разработке научно обоснованных методов использования сырья в кондитерском производстве.

В республике проводятся исследования по поиску эффективных технологических решений для обеспечения высокого качества и пищевой ценности кондитерских изделий за счет использования новых видов сырья, и достигаются определенные научные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «подъему промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработке местного сырья, ускорению производства готовой продукции, освоению новых видов продукции и технологий»<sup>1</sup>. В этом аспекте выявление натурального сырья для мучных кондитерских изделий, содержащего много сахара, разработка методов получения продукции высокого качества и производства концентрированных полуфабрикатов имеет большое научное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 16 января 2018 г. № ПФ-5303 «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны», от 14 марта 2019 г. № PQ-4239 «О мерах по развитию сельскохозяйственного сотрудничества в области выращивания и заготовки фруктов и овощей», № PQ-4406 от 29.07.2019 «О глубокой переработке сельхозпродукции, в том числе хранении и переработке овощей и фруктов, доведении нормативов их потребления до необходимого уровня и запуске производства различных

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

полуфабрикатов, о мерах по дальнейшему развитию пищевой промышленности» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Основной вклад в развитие производства и решении проблемы повышения пищевой ценности кондитерских изделий внесли С.Я. Корячкина, Т.В. Матвеева, О.В. Перфилова, А.Б. Эйнгор, Т.В. Рензиева, В.А. Васькина, Г.О. Магомедов, Л.П. Пащенко, S. Marcello, C. Rodriguez , М.Г. Васиев, Л.Н. Хайдар-Заде, И.Б. Исабаев, Т.И. Атамуратова и др.

В обширном блоке научных публикаций и патентных источников представлены результаты, иллюстрирующие преимущества нетрадиционных ингредиентов: натуральные и синтетические заменители сахара и подслащивающие вещества; добавки, полученные путём физико-химической обработки различного сырья (глюкозосорбит, микрокристаллическая целлюлоза, лигнин и другие), а также натуральные растительные добавки.

Исключительный интерес представляют продукты переработки плодово-ягодного и овощного сырья, содержащие натуральные сахара и уникальный комплекс природных биологически активных веществ, к которым наиболее адаптирован организм человека, что позволяет рассматривать их в качестве перспективных ингредиентов в рецептуре мучных изделий. Исследования в данном направлении особенно актуальны на базе регионального растительного сырья, технологический потенциал которого ещё не достаточно изучен.

